



MYKOLAS ROMERIS
UNIVERSITY

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ВА
МИКОЛАС РОМЕРИС УНИВЕРСИТЕТИ
ЎРТАСИДА
АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ

1. Тошкент давлат юридик университети (Ўзбекистон) томонидан вакил ҳисобланган ректор, профессор **Хакимов Рахим Расулжонович** ва Миколас Ромерис университети (Литва) томонидан вакил ҳисобланган ректор, профессор **Инга Жаленене** қуйида икки университет (бундан кейин “Томонлар” деб юритилади) ўртасида академик ҳамкорлик ва алмашинув бўйича ушбу Англашув Меморандумини (кейинги ўринларда “Меморандум” деб юритилади) туздилар.

2. Томонлар ҳуқуқ соҳасида қуйидаги фаолиятларни амалга оширадилар:

- (a) Хорижда таҳсил олиш (талабалар ташрифи) тажрибаси ва алмашинув бўйича талабалар мобиллиги;
- (b) профессор-ўқитувчиларнинг академик ташриф ва алмашинув бўйича мобиллиги;
- (c) Икки томонлама диплом беришни ривожлантириш;
- (d) Докторантларга биргаликда илмий раҳбарлик қилиш;
- (e) Илмий материаллар, нашрлар ва маълумотлар алмашинуви;
- (f) Профессор-ўқитувчиларва талабалар ўртасида илмий ҳамкорлик қилиш, халқаро конференциялар ва илмий учрашувлар ташкил этиш, грантларда биргаликда иштирок этиш;
- (g) Икки томонлама келишув асосида илмий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

3. Ушбу Меморандумга асосланган ҳар бир фаолиятни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш иккала томон томонидан ёзма равишда, муайян фаолиятни бошлашдан олдин музокаралар олиб бориб, келишиб олинади. Ушбу Меморандум бўйича барча дастурлар ва тадбирлар тегишли мамлакатларнинг қонун ва қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Юқорида санаб ўтилган ҳар қандай тадбирларни амалга ошириш учун барча молиявий келишувлар ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича муҳокама қилиниши керак.

5. Ушбу Меморандум асосидаги ҳамкорлик натижасида ишлаб чиқарилган тадқиқот натижаларининг тафсилотлари ва ҳар қандай нашр бўйича тадбирлар икки томон томонидан олдиндан ёзма равишда келишиб олинishi керак.

6. Томонлар биргаликда патент ҳуқуқлари, муаллифлик ҳуқуқлари ёки бошқа интеллектуал мулк ҳуқуқларига олиб келадиган илмий-тадқиқот ишлари олиб борган тақдирда, муаллифлик ҳуқуқига оид масалалар Томонларнинг бу соҳадаги сиёсатиға мувофиқ келишиб олинади.

7. Ушбу Меморандумга тузатишлар Томонлар томонидан кўриб чиқилганидан

кейин киритилади. Ушбу Меморандумнинг бирон бир тузатиш, розилик ёки шартларидан воз кечиш, иккала томон ҳам ёзма равишда имзоламаган тақдирда мажбурий бўлмайди.

8. Ушбу Меморандум Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил давомида амал қилади. Кейинчалик у Томонларнинг розилиги билан кўриб чиқилиши ва узайтирилиши мумкин.

9. Ушбу Меморандумнинг амал қилиши Томонлар томонидан кўриб чиқилгандан кейин тўхтатилиши мумкин. Томонларнинг унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида ёзма равишда олти ой аввал билдиришнома юборган ҳолда Меморандумни жавобгарликсиз бекор қилишга ҳақлидир.

10. Ушбу Меморандум тенг ҳуқуқий кучга эга бўлган инглиз, литва ва ўзбек тилларида олти нусхадан иборат бўлиб, ҳар бир томон учун учта нусхада тузилган. Томонлар орасида ҳар қандай қарама-қаршилик ёки фарқ бўлган тақдирда, инглиз тилидаги матн устун ҳисобланади.

Сайилгоҳ кўчаси, 35
100047, Тошкент ш.
Ўзбекистон Республикаси
www.tsul.uz
Электрон почта манзил: info@tsul.uz

Атейитес кўчаси, 20
LT-08303
Вильнюс, Литва
www.mruni.eu
Электрон почта манзил: roffice@mruni.eu

Тошкент давлат юридик университети
Ректори

Проф. Раҳим Хакимов



Сана: 2020 йил 4 декабр

Миколас Ромерис университети
Ректори

Проф. Инга Жаленене



Сана: 2020 йил 4 декабр